Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 157 (6018). 12 август, 1977 йил ⊙ Ж У М А ● Баҳоси 2 тийин.

НОВОЛИПЕЦК МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ ВА «УРАЛМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Металл маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифаларини ҳал этишда металлурглар билан машинасозлар, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари ходимларининг ижодий ҳамдўстлигидан дарак берувчи мактубингиз КПСС Марказий Комитетида зўр миннатдорлик билан қабул қилинди. Бу қимматли ташаббусингиз муҳим халқ хўжалик аҳамияти бор. Ҳар томонлама маъқуллаш ва ёйишга сазовор.

Биргаликда олиб борган ишларингиз натижасида Новолипецк металлургия заводида бир мунча қисқа муддат ичида оз капитал маблағ сарфлаб ва ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмаган ҳолда биринчи конвертор цехи реконструкция қилиндики, бу пўлат қуюшни қарийб икки баравар кўпайтиришга, унинг таннархини анча камайтиришга, сифатини яхшилашга, меҳнат унумдорлигини оширишга имкон берди. Янги серунум машина-ускуналар ва прогрессив технологиянинг жорий этилиши ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш ҳамда металлурглар меҳнатини енгиллаштириш имконини берди.

Эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмай, ижодий алоқаларингизни бундан буён ҳам ривожлантириб, мустаҳкамлаб боришингиз, металл ва металлургия машина-ускуналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш борасидаги янги-янги резервларни излаш ва улардан фойдаланишга куч-ғайрат, билим ва тажрибаларингизни сарфлаётганлигингиз кишини кувонтиради.

КПСС Марказий Комитети Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига эришган олган оширилган социалистик мажбуриятларингиз муваффақиятли бажарилишига ишонади. Бу эса КПСС XXV съезди белгилаб берган мамлакат экономикасини ривожлантиришнинг улуғвор программасини амалга оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, Ватан қора металлургиясини техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ишини олға жилдиради.

Азиз металлург ва машинасозлар ўртоқлар, Улуғ Ватанимиз фаровонлиги йўлида сизларга меҳнатда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАЁТИДА МУҲИМ ДАВР

КПСС XXV СЪЕЗДИДА таъкидланганидек, партия раҳбарлигининг даражаси бошланғич, цех партия ташкилотлари, партия группаларининг нечоғлик жанговарлик ва ташаббускорлик билан ишлашларига боғлиқдир. Чунки улар иқтисодий ва маданий қурилишнинг олдинги сафларида бориб, бевосита меҳнаткашлар ўртасида иш кўрадилар, партия сиёсатини омманинг жонли ижоди билан қўшиб олиб борадилар, хўжалик сиёсий ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда актив кўрсатадилар.

Партия ташкилотларининг қуйи звенолари ҳозир муҳим сиёсий воқеа арафасида турибдилар. 15 августдан партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланади. Бу йилги ҳисобот-сайлов йиғилишлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли юбилейини муносиб нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётган, СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси кенг авж олган бир пайтда бошланмоқда.

Меҳнаткашларни партиямиз XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун қурашга сафарбар этишда, ўниччи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган умумхалқ мусобақасини кенг қулоч ёйдиришда, мусобақа давомида туғилаётган қимматли ташаббусларни оммалаштиришда партия группалари ва цех партия ташкилотлари алоҳида роль ўйнамоқдалар. Ҳозир областимиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, колхоз-совхозлари ва муассасаларида 4191 партия группаси ва 4350 цех партия ташкилоти катта ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишлар олиб бормоқда. Уларга бирлашган коммунистлар юбилей олди социалистик мусобақасининг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлмоқдалар.

Партиямизнинг асоси бўлган бошланғич партия ташкилотларининг ядросини ташкил этувчи партия группалари ва цех партия ташкилотлари социал-иқтисодий ва маданий қурилишнинг ҳамиша олдинги сафларида фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг активлиги, ишчанлиги, талабчанлиги билан юбилей йилида халқ хўжалигининг барча соҳаларида ажойиб ютуқлар қўлга киритилмоқда. Областимиз саноатчилари маҳсулот реализация қилиш январь—июль ойларни планини муддатида нолдин адо этдилар.

Қишлоқ меҳнаткашлари эса пишиб етилаётган ноз-неъматларни ўз вақтида эл дастурхонига етказиб бериш билан бирга мўл «қоқ олтин» ҳосили учун курашни ҳам қизғин тус олдирмоқдалар. Чорвадорлар ҳам умумхалқ мусобақасида актив иштирок этмоқдалар. Улар қишлоқ учун мўл озуқа базаси яратишга, чорва маҳсулдорлигини бутун чоралар билан оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу соҳада Калинин район партия ташкилотлари амалга ошираётган тадбирлар диққатга сазовордир. Район хўжаликларида 121 партия группаси, 100 цех ва 129 бошланғич партия ташкилотлари оммага етакчилик қилмоқда. Коммунистлар активлиги ва ҳиссаси билан район дағал хашак тайёрлаш планини областда биринчи бўлиб адо этди. Чорва қишловлари учун салкам 40 минг тонна тўйимли озуқа жамғариб қўйилди.

Ангрен, Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Қўйи Чирчиқ районларининг саноат корхоналари, колхоз-совхозларида иш олиб бораётган партия группалари ва цех партия ташкилотлари ҳам активликни тобора оширмоқдалар. Улар бўлажак ҳисобот-сайлов йиғилишларига бажарилган ишларни умумлаштирган, ишлаб чиқаришни янада юксалтиришга ёрдам берувчи фикрларни жамлаган, рўй берган камчиликларни бартараф этишга имкон берувчи тадбирларни белгилаган ҳолда келмоқдалар.

Шаҳар ва район партия комитетларида бўлиб ўтган бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинар-кенгашларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини юксак даражада ўтказишга кўмаклашувчи методик йўлланмалар ва маслаҳатлар берилди. Группа ва ташкилотларда йиғилишларни ўтказиш графиклари тузиб чиқилди. Партия ташкилотларига шаҳар ва район партия комитетининг аъзолари бириктириб қўйилди.

КПСС XXV съездидан кейинги даврда қуйи партия звеноларининг сон жиҳатдан ўсди, сифат жиҳатдан мустаҳкамланди, структураси такомиллашди. Партия группаларини ва цех партия ташкилотлари бажараётган ишлар қўлами янада кенгайди, партиявий ишлар самарадорлигини оширишнинг янги имкониятлари очилди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида янгича шароитда тўпланган бой тажрибаларни таҳлил қилиш, оммалаштириш, йўл қўйилган камчиликларни кескин танқид қилиш, навбатдаги вазифаларни белгилаб олмоқ талаб этилади.

Йиғилишлар танқид ва ўз-ўзини танқид шиори остида ўтказилмоғи лозим. Ҳали ҳам айрим корхона ва хўжаликларда ишлаб чиқариш топшириқларини бажармай келаётган цех ва участкалар бор. Хаққоний танқид, кўтарилаётган масалаларнинг ижтимоий аҳамияти ишда муҳим ўзгаришлар ясаши шубҳасиздир. Ўз-ўзини танқиднинг самарадорлиги унинг саммимийлиги, дўстона бўлиши билан, хато ва нуқсонларни тузатиш учун дарҳол киришишга шай бўлиб туриш билан белгиланиши керак. Йиғилишларда билдирилган танқидий мулоҳазаларга эътибор, қабул қилинган қарорларни ўз вақтида бажариш партия группаси ва цех партия ташкилоти обрўсини яна ҳам оширади.

Қуйи партия звеноларини омманинг бевосита маслаҳатчиси ва тарбиячисидир. Улар меҳнат коллективларининг ҳар бир аъзосига яқин туради. СССР янги Конституцияси лойиҳасини тушунтириш ва муҳокама қилиш қизғин давом этаётган ҳозирги даврда партия группалари ва цех партия ташкилотлари бу сиёсий кампанияни юксак даражада ўтказишда катта ташкилотчилик кўрсатишлари лозим. Кўплаб партия группалари ташаббуси билан бу муҳим сиёсий ҳужжат ишлаб чиқариш участкаларида кенг ўрганилмоқда. Вазифа муҳокама давомида туғилаётган янги фикрлар ва таклифларни диққат билан ўрганиш, туғилаётган янги-янги ташаббусларни умумхалқ мулкига айлантиришдан иборатдир.

Ўтиб бораётган ҳар бир кунимиз бизни шонли сана — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига яқинлаштирмоқда. Умумхалқ байрамини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олиш, юбилей йилини муваффақиятли якунлаш ҳар бир коллективнинг шарафли бурчидир. Партия группалари ва цех партия ташкилотлари юбилей шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлашга, сиёсий-тарбиявий ишлар самарадорлигини бутун чоралар билан оширишга даъват этилганлар.

Шаҳар, район партия комитетлари қуйи партия ташкилотлари эътиборини аниқ мақсад сари йўналтириб боришлари, улар бошлаётган қимматли ташаббусларни доимо қўллаб-қувватлашлари керак. Бўлажак ҳисобот-сайлов йиғилишлари меҳнат коллективлари олдига янги-янги вазифалар қўйди. Уларни бажаришда қуйи партия звенолари юқори партия ташкилотлари ёрдамига таянади. Шунинг учун ҳам партия группалари ва цех партия ташкилотларига партиявий раҳбарликни янада яхшилаш асосий вазифамиз бўлмоғи керак.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Буюк Октябрь инқилобининг 60 йиллик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил курашаётган 1-«Пискент» совхози чорвадорлари юбилей йили социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Айниқса хўжалик бўрдоқибоқарлари молларни аниқ ва тўйимли рацион билан боқиб, тирик вазнини 400 килограммдан оширишга эришдилар.

Совхоз бўрдоқибоқарлари яқинда давлатга гўшт топшириш йиллик планини муддатидан илгари ортиғи билан бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Шу кунгача топширилган гўшт йиллик планга нисбатан 110 процентдан ошди.

О. ИЗЗАТУЛЛАЕВ.

НАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

АЛИМКЕНТ, («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Юбилей йилини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашаётган Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг чорвадорлари катта ютуқни қўлга киритишди. Давлатга гўшт топшириш бўйича берилган йиллик план ортиғи билан бажарилди. Ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 410 килограммга тўғри келди.

Қенжа Иброҳимов, Ҳошим Ғозибеков, Жумабой Абдураимов каби молбоқарлар яна 30 та қорамолни бўрдоқига қўйишди. Улар озуқа рационига мувофиқ озиқлантириб, меҳр билан парвариш қилишяпти. Шу туфайли ҳам моллар тез семирмоқда.

Паррандабоқар Муҳаммад Аҳмедовнинг ҳам эришган ютуғи катта бўлди. У 50 минг ўринга 56538 дона тухум топшириб, йиллик планни ортиғи билан адо этди. У яна ўн минг дона тухум топшириш мажбуриятини олган ҳолда ишламоқда.

РАЙОНДА БИРИНЧИ

Октябрь олди социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдирган Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз аъзолари катта зафар қучдилар. Улар 5210 тонна ўрнига 5220 тонна сабзавот маҳсулотлари топшириб, районда биринчи бўлиб, йиллик планларини муваффақиятли бажардилар. Абдулла Нуржонов, Ҳаким Давлатов, Юсуф Рўзиев ўртоқлар бошчилик қилган бригадаларда ҳосилдорлик айниқса юқори бўлди.

Колхозчилар ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб Октябрь байрами г а ч а планлаган ташқари яна 3000 тонна сабзавот маҳсулотлари топшириш мажбуриятини олдилар.



60 ОКТЯБРЬ ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг Раҳмат Аҳмедов бошлиқ бригадаси аъзолари эллик центнерчилар ташаббусига қўшилган. Бу юксак маррани эгаллаш учун ғўза парваришни қизғин давом эттирилмоқда. Бригада бошлиғининг ўзи коллектив аъзоларига намуна кўрсатиб қатор ораларини юмшатиш кунлик нормасини икки ҳиссага етказиб бажармоқда.

З. Қуртиезиров фотоси.

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ПУХТА ШАЙЛАНАЙЛИК

Пойтахт областининг пахта кор районларида юбилей йили ҳосилини тез ва нобуд қилмай йиғиб-териб олишга қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

Штатсиз мухбиримиз Х. Тўраев ана шу савол билан область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси техника назорати бўлимининг бош инженери Нусрат Неъматовга мурожаат қил ди.

— Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда пойтахт область пахтакорлари Ватан хирмонига 430 минг тонна «оқ олтин» тўкишга сўз берганлар. Ана шу юксак мажбуриятни бажариш учун пахтакор хўжаликларда ғўза парвариши ҳар қачонгидан ҳам қизғин давом этмоқда. Шу билан бирга юбилей йили ҳосили йиғим-теримига тайёргарлик ишлари ҳам авж олдириб юборилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларининг 1977 йилги пахта ҳосилини териш ҳамда тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида»ги қарори билан яқиндан танишиб чиққан область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари йиғим-теримда иштирок этадиган барча техника воситаларини, йўлларни, пахта қабул қиладиган пунктларни ремонт қилишни бошлаб юбордилар. Республика партия ҳукуматининг қарорида таъкидлаб ўтилганидек, пахта териш техникаси ремонтининг сифати йиғим-терим суръатининг юқори бўлишига олиб келади. Ана шуни ҳисобга олган ремонтчилар барча агрегатларни сифатли созлашга эътиборни кучайтирганлар.

Бугунгача областнинг қўпгина пахтакор районларида терим агрегатлари, подборщиклар, кўсак теручи машиналар ремонти муваффақиятли тугалланди. Бу иш айниқса Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ районларида тез ва соз ўтди. Масалан, Қуйи Чирчиқ районида мавжуд бўлган 411 та «зангори кема»нинг ҳаммаси сифат кўригидан ўтказилди. Бу район пахтакорлари юбилей йилида етиштирилган ҳосилнинг камида 93 процентини механизмлар ёрдамида йиғиб-териб олишга сўз берганлар. Шу мақсадда йиғим-теримга тайёргарлик уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. 1 минг 627 та трактор прицеплари мавсумга созлаб қўйилган.

Оқ олтин район партия комитетининг пахта, мақкажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини қисқа муддатда йиғиштириб олиш ва тайёрлаш соҳасидаги тадбирлари областимизда кенг ўрганилаяпти. Пахта йиғим-терими даврида область далаларида ҳосилни йиғиштириб оладиган ва ташийдиган алоҳида отрядлар ташкил этилади. Бу отрядлар звеноларга бўлиниб, уларга зарур бўлган ҳамма шароит яратиб берилади, ўз вақтида керакли ёрдам кўрсатилади.

Ҳозироқ Қуйи Чирчиқ район партия комитети Оқ олтин район партия ташкилотларининг ташаббуси бўйича қатор тадбирлар белгилади. Масалан, районда бу йил ҳосилни йиғиштириб оладиган ва ташийдиган 24 та отряд ишлайди. Бу отрядларнинг ҳар бирига 20—25 талаи терим агрегати, 10—12 та пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган трактор ва прицеплар, шунингдек ёрдамчи техника воситалари биркитиб қўйилади.

Шу кеча-кундуздаги асосий вазифа техника воситаларини йиғим-теримга ҳар томонлама пухта тайёрлаб қўйишдан иборатдир. Ҳамма районларда техника назорати бўлимлари пахта териш машиналари ҳамда йиғим-теримда иштирок этадиган бошқа агрегатларни синчковлик билан текшириб кўрмоқдалар. Масалан, Бекобод районида техника назорати бўлими томонидан ўтказилган текшириш натижасида 183 та терим агрегатидан 40 тасида жузъий камчиликлар борлиги аниқланди. Шунингдек кўсак терадиган, подборщик, кўсак чувийдиган агрегатларда ҳам нуқсонлар топилган. Ҳозир ана шу камчиликларни тугатиш чоралари кўрилаяпти.

Оққўрғон районидаги «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг устахонасида ремонт қилинган 25 та «17-ХВ-18» терим агрегатининг тўрттасида ремонт сифатсиз ўтказилган. «Ленинизм», «Ленинобод», «Озод» колхозларидаги терим агрегатлари ремонти яхши ўтказилмаганлиги маълум бўлди. Техника назорати бўлими томонидан аниқланган бу камчиликларни тезда тугатиш лозим.

Юбилей йили йиғим-терим мавсумида областимиз пахтазорларида 2 минг 800 дан зиёд терим агрегати ишлайди. Уларга ўз вақтида техника ёрдами кўрсатиш учун запас қисмлар етарли бўлиши керак. Бунинг учун «Узсельхозтехника» область бирлашмаси ҳозиргидан тайёргарлик кўри

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

Совет халқи замонамизнинг муҳим сиёсий ҳужжати — СССР янги Конституцияси лойиҳасини баланд руҳ билан, сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда муҳокама қилмоқда. СССР Конституцияси совет жамиятида ва давлатимизда партиямизнинг ҳақиқий ўрни ва ролини қонун билан мустаҳкамлайди. Лойиҳанинг 6-моддасида «совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи, совет жамияти сиёсий системасининг, барча давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир» деб ёзилган.

Коммунистик партия — сиёсий раҳбар, совет халқининг энг илғор ва уюшган кучидир. Жанговар сиёсий штаб бўлган Коммунистик партиянинг раҳбарлиги социализм ва коммунизм қурилиши йўлидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлайди. КПСС Марказий Комитети «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида «совет халқининг бутун қаҳрамонона тарихи, унинг жанговар ва меҳнат талабалари, унинг ғоят бой зафарлари Коммунистик партиянинг фаолияти билан чамбарчас боғлангандир», деб таъкидланади.

Социализм шароитида Коммунистик партиянинг раҳбарлик функцияси унинг ижтимоий тараққиётнинг боришини илмий жиҳатдан анализ қилиш ва олдиндан кўра билиш, мақсадларни белгилаш, шу мақсадларга эришиш йўлларини ва воситаларини аниқлаш, кишиларни ўюштириш ва тарбиялаш, уларни белгилаб қўйилган сиёсий йўли амалга ошириш сари бошлаб бориш қобилиятига асосланган-дир. Жамиятнинг етуклиги ўсган ва у бир босқичдан иккинчи босқичга ўтган сари партиянинг роли ҳам унинг назарий ва революцион-амалий фаолиятининг аҳамияти ҳам тинмай ошаверади. Бунинг сабаби шуки, ривожланишнинг ҳар бир янги навбатдаги босқичи бошланган сари социалистик жамият олдига янги-янги вазифалар ва талаблар қўйилади. Бу вазифалар ҳамда талабларни маълум бўлиб қолган иш усуллари ҳамда воситалар ёрдами билан ҳал этиш мумкин эмас. Бунинг учун янги йўлларни, янги имкониятларни қидириб топиш, қарорларни бажаришнинг мақбул йўлларини излаш керак бўлади.

Етук, ривожланган социализмни барпо этиш, коммунизмнинг олий босқичини яратиш ишларини кучайтириш мамлакатнинг иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий ривожи соҳасидаги кўпгина вазифаларни янгича тарзда қўйди. Бу эса сиёсий ва ташкилий раҳбарлик даражасини бундан илгаригидан кўра юқорироқ қўйишни тақозо этади.

Совет сиёсий системасини ҳар жиҳатдан ривожлантириш коммунистик қурилишнинг структуравий элементларига хос фазилатдир. Зотан, бу система социализм қурилиши даврида пролетариат диктатураси ташкилотидан иборат бўлса, ривожланган социализм шароитида у Коммунистик партия раҳбарлигидаги умумхалқ ташкилотига айланади.

Совет сиёсий системасини ҳар жиҳатдан ривожлантириш коммунистик қурилишнинг барча соҳаларини бошқариш маҳоратини юксак даражага кўтаришни талаб этади.

КПСС совет халқининг бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилиб, аввало ўзининг бошланғич ташкилотлари орқали иш кўради. Партиянинг бошланғич ташкилотлари ўзининг ички ишлари билан шуғулланувчи етук, тор доирадаги коллектив бўлмай, балки корхоналарда, колхоз ва совхозларда, муассасалар ва ўқув юртларида меҳнаткашларга бошчилик қилади. Уларнинг талаб-эҳтиёжлари билан кун сайин шуғулланиб туради, оммани бирга яшайди, уларнинг қийинчиликлари ҳамда талаб-эҳтиёжларини билади. Партия, шунингдек, советлар, касаба союзлари, комсомол, кооперация ишини яхшилаш йўли билан ўзининг раҳбарлик фаолияти савиясини оширишни таъминлайди, партия уларнинг ёрдами билан аҳолининг барча табақаларига ўзининг ғоявий ва ташкилий таъсирини ўтказади, оммининг кайфиятини билади ва уларни социализм ҳамда коммунизм қурилиши вазифаларини бажаришга сафарбар этади.

Коммунистик партия раҳбарлигидаги мана шу давлат ва жамоат ташкилотлари жамиятимизнинг сиёсий системасини ташкил қилади. Чуқур халқчиллик совет сиёсий системасининг барча ва ташқи сиёсат йўлини белгилаб беради, совет халқининг буюк бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг коммунизм ғалабаси учун курашини планли равишда илмий жиҳатдан асослаб олиб боради».

Коммунистик партия давлат ва жамоат ташкилотларининг майда-чуйда ишларига аралашишга йўл қўймаган, уларнинг компетенциясидаги масалаларни ҳал этишда уларга кенг оператив мустақиллик берган ҳолда мана шу ҳамма ташкилотларга ўз фаолиятининг умумий йўлини белгилаб берувчи директив йўл-йўриқлар кўрсатади, шу ташкилотларнинг раҳбар кадрларини танлайди, шунингдек уларнинг фаолияти устидан назорат қилиб туради.

Партия ҳар бир оммавий ташкилотнинг социалистик жамият сиёсий системасидаги ўз ролини, ўзига хос ўрнини равшан билиб олишига ва ўз фаолиятини шунга мувофиқ равишда олиб боришига, бу фаолиятнинг энг самарали форма ва методларини излаб топишига эришади.

КПСС ҳукмронлик қилувчи эмас, балки раҳбарлик қилувчи ташкилотдир. У фармонлар, қонунлар чиқартираверади. «СССРда бутун ҳокимият халқнинидир,— дейилади СССР Конституцияси лойиҳасида.— Давлат ҳокимиятини халқ СССРнинг сиёсий негизини ташкил этган халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширади». Партия ўзининг раҳбарлик фаолиятида ҳокимият обрўсига эмас, балки меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида ўн йиллаб олиб борилган фидокорона кураш туфайли қозонган мавҳумий обрўсига, ўзининг сиёсий ва ташкилий тажрибасига, ижтимоий ҳаёт воқеаларининг ривожини олдиндан тўғри кўра билиш ва уни зарур оқимга йўналтира билиш қобилиятига суянади.

КПССнинг сиёсати халқнинг қудратли кучларига ленинча ишонч руҳи билан, коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида совет кишиларининг билими, тажрибаси ижодий активлиги тўлароқ намоён бўлиши тўғрисидаги ғамхўрлик билан суғорилгандир. Бу чинакам халқчил сиёсат бўлиб СССР Конституцияси лойиҳасида айтиб ўтилганидек: «КПСС — халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади». КПСС — ҳамиша халқ билан маслаҳатлашиб, унинг билими, тажрибасидан фойдаланиб, Ленин ибораси билан айтганда, «Бутун омманинг ўзи энг муҳим масалаларнинг моҳиятини англаб овоз бериши учун тамҳўрлик қилади. Партия халқ оммасининг ижодий кучларидан ва уларнинг ўсиб бораётган сиёсий онгидан энг кўп даражада фойдаланади ва ўз фаолиятида халқнинг мана шу бой тажрибасидан фойдаланади, совет жамияти сиёсий системасидаги раҳбарлик ролини муваффақият билан амалга оширади.

КПСС XXV съезди қарорлари асосида партиявий ишларнинг форма ва методлари такомиллаштирилмоқда, партия ички демократияси ривожланмоқда. Ленинча иш услуби тобора қарор топмоқда. Партиявий ишлар самарадорлигини, унинг жамият ҳаёти ҳамма соҳаларига янада самаралироқ таъсир кўрсатиш йўллари ва воситаларини ижодий излаш кучайтирилмоқда. КПССнинг чинакам ленинча ички ва ташқи сиёсати, унинг раҳбарлиги социалистик жамият тараққиётининг, юксак коммунистик идеалларимизни реалликка айлантиришнинг энг ишончли гарантияси эканлигини ҳаёт равшан исбот этмоқда.

(ТАСС).

КПСС — СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ РАҲБАР ВА ЙЎНАЛТИРУВЧИ КУЧИ

В. Я. БОНДАРЬ,
тарих фанлари доктори, профессор

гари бўлганига нисбатан мисли-сиз миқёсда юксалтиришни, сиёсий ҳаётнинг, иқтисодий ва маданий қурилишнинг барча соҳаларини бошқариш маҳоратини юксак даражага кўтаришни талаб этади.

КПСС совет халқининг бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилиб, аввало ўзининг бошланғич ташкилотлари орқали иш кўради. Партиянинг бошланғич ташкилотлари ўзининг ички ишлари билан шуғулланувчи етук, тор доирадаги коллектив бўлмай, балки корхоналарда, колхоз ва совхозларда, муассасалар ва ўқув юртларида меҳнаткашларга бошчилик қилади. Уларнинг талаб-эҳтиёжлари билан кун сайин шуғулланиб туради, оммани бирга яшайди, уларнинг қийинчиликлари ҳамда талаб-эҳтиёжларини билади. Партия, шунингдек, советлар, касаба союзлари, комсомол, кооперация ишини яхшилаш йўли билан ўзининг раҳбарлик фаолияти савиясини оширишни таъминлайди, партия уларнинг ёрдами билан аҳолининг барча табақаларига ўзининг ғоявий ва ташкилий таъсирини ўтказади, оммининг кайфиятини билади ва уларни социализм ҳамда коммунизм қурилиши вазифаларини бажаришга сафарбар этади.

Коммунистик партия раҳбарлигидаги мана шу давлат ва жамоат ташкилотлари жамиятимизнинг сиёсий системасини ташкил қилади. Чуқур халқчиллик совет сиёсий системасининг барча ва ташқи сиёсат йўлини белгилаб беради, совет халқининг буюк бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг коммунизм ғалабаси учун курашини планли равишда илмий жиҳатдан асослаб олиб боради».

Коммунистик партия давлат ва жамоат ташкилотларининг майда-чуйда ишларига аралашишга йўл қўймаган, уларнинг компетенциясидаги масалаларни ҳал этишда уларга кенг оператив мустақиллик берган ҳолда мана шу ҳамма ташкилотларга ўз фаолиятининг умумий йўлини белгилаб берувчи директив йўл-йўриқлар кўрсатади, шу ташкилотларнинг раҳбар кадрларини танлайди, шунингдек уларнинг фаолияти устидан назорат қилиб туради.

Партия ҳар бир оммавий ташкилотнинг социалистик жамият сиёсий системасидаги ўз ролини, ўзига хос ўрнини равшан билиб олишига ва ўз фаолиятини шунга мувофиқ равишда олиб боришига, бу фаолиятнинг энг самарали форма ва методларини излаб топишига эришади.

КПСС ҳукмронлик қилувчи эмас, балки раҳбарлик қилувчи ташкилотдир. У фармонлар, қонунлар чиқартираверади. «СССРда бутун ҳокимият халқнинидир,— дейилади СССР Конституцияси лойиҳасида.— Давлат ҳокимиятини халқ СССРнинг сиёсий негизини ташкил этган халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширади». Партия ўзининг раҳбарлик фаолиятида ҳокимият обрўсига эмас, балки меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида ўн йиллаб олиб борилган фидокорона кураш туфайли қозонган мавҳумий обрўсига, ўзининг сиёсий ва ташкилий тажрибасига, ижтимоий ҳаёт воқеаларининг ривожини олдиндан тўғри кўра билиш ва уни зарур оқимга йўналтира билиш қобилиятига суянади.

КПССнинг сиёсати халқнинг қудратли кучларига ленинча ишонч руҳи билан, коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида совет кишиларининг билими, тажрибаси ижодий активлиги тўлароқ намоён бўлиши тўғрисидаги ғамхўрлик билан суғорилгандир. Бу чинакам халқчил сиёсат бўлиб СССР Конституцияси лойиҳасида айтиб ўтилганидек: «КПСС — халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади». КПСС — ҳамиша халқ билан маслаҳатлашиб, унинг билими, тажрибасидан фойдаланиб, Ленин ибораси билан айтганда, «Бутун оммани-нг ўзи энг муҳим масалаларнинг моҳиятини англаб овоз бериши учун тамҳўрлик қилади. Партия халқ оммасининг ижодий кучларидан ва уларнинг ўсиб бораётган сиёсий онгидан энг кўп даражада фойдаланади ва ўз фаолиятида халқнинг мана шу бой тажрибасидан фойдаланади, совет жамияти сиёсий системасидаги раҳбарлик ролини муваффақият билан амалга оширади.

КПСС XXV съезди қарорлари асосида партиявий ишларнинг форма ва методлари такомиллаштирилмоқда, партия ички демократияси ривожланмоқда. Ленинча иш услуби тобора қарор топмоқда. Партиявий ишлар самарадорлигини, унинг жамият ҳаёти ҳамма соҳаларига янада самаралироқ таъсир кўрсатиш йўллари ва воситаларини ижодий излаш кучайтирилмоқда. КПССнинг чинакам ленинча ички ва ташқи сиёсати, унинг раҳбарлиги социалистик жамият тараққиётининг, юксак коммунистик идеалларимизни реалликка айлантиришнинг энг ишончли гарантияси эканлигини ҳаёт равшан исбот этмоқда.

(ТАСС).



Пойтахтдаги чарм-галантерея фабрикасининг 4-цехида Сайёра Қўчқорова илғор ишчилардан ҳисобланади. Улуғ Октябрининг 60 йиллиги шарафига авж олган мусобақада у пешқадамлар сафида бормоқда. Сайёра кундалик нормаларини анча ошириб бажармоқда.

А. Тўраев фотоси.

Ё Ш Л А Р НАМУНАСИ

«Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ўстики трикотаж фабрикаси меҳнат аҳли СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасидан руҳланиб ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириб, меҳнатда дурўст натижаларга эришмоқда. Кўпчилик ишлаб чиқариш бўлинмалари коллективлари давлат планларини шараф билан ado этишяпти.

Корхона коллективининг аксарият кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Бу ерда 12 та комсомол-ёшлар бригадаси бор. Уларнинг деярлик ҳаммаси зиммасидаги вазифасини сидқидилдан бажаряпти, пешқадамлар сафида боряпти. Айниқса, Гулсина Ягафарова раҳбарлик қилаётган бригада аъзоларининг меҳнат зафарлари салмоқли бўлмоқда. Ёш трикотажчилар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш қатори сифатининг ҳам яхши бўлишига эришмоқдалар. Ҳозирги вақтда улар маҳсулотнинг беш турини давлат Сифат белгиси билан савдо шохобчаларига жўнатишяпти. Бригада коллективининг бундай ютуқларида меҳнатсевар ёшлардан Галина Пономоренова, Муаззам Тошқанбоева ва бошқаларнинг муносиб ҳиссаси бор.

А. АБДУЖАМИЛОВ.

РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтида 4100 ўринли ҳашаматли кино-концерт зали қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Ушбу объектда 11-«Висотстрой» трестига қарашли 69-қурилиш бошқармасининг юқори малакали мутахассислари металл-конструкцияларни монтаж қилишяпти. Суратларда: электрпайвандчилардан Исмоил Умаров ва Илья Карпов. Ўнгда Тошкент медицина институтининг янги шифохоналар комплексини кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

САБЗАВОТ ДЎКОНЛАРИ БЎШ ҚОЛМАСИН

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб совғалар билан қутиб олиш учун бошланиб кетган умумхалқ социалистик мусобақаси, КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми, СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилганлиги ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида бўлганидек, сабзаворчилик ва сохакорларнинг ҳам меҳнат активлигини оширди юборди. Уларнинг фидокорона меҳнатлари самараси юбилей йили» юзасидан зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишида ўз аксини топаётир.

Областимиз сабзаворчилари ва боғбонлари юбилей йилининг биринчи ярим йиллиги топшириқларини ва оширилган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари ортиғи билан ado этиш учун барча резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланмоқдалар. Илғор агротехника қоидалари асосида сифатли парвариш қилинган эртаки ва ўртаки сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштирилди.

Давлат тайёрлов пунктларига 99 минг 483 тонна турли хил сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 минг 159 тонна кўпдир. Бу йил, айниқса, ялпи картошка етиштириш сезиларли даражада кўпайтирилди. Тайёрлов пунктлари область колхоз ва совхозларидан 14 минг 400 тоннадан зиёд, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар кўп картошка қабул қилиб олди.

Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида хўжаликларнинг боғ ва токзорларида ҳар йилгига нисбатан қариб икки баравар кўп турли хил мева ва узум етиштирилган эди. Боғбон ва сохибкорлар бу йил давлатга мева ва узум сотишни янада кўпайтириш учун қуришиб, қувончли натижаларга эришдилар. Ҳозиргача боғлардан 15 минг 872 тонна сифатли мева териб олинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7500 тонна кўпдир.

Бундай кўрсаткичларга эришишда Калинин, Тошкент ҳамда Оққўрғон ва Қуйи Чирчиқ районлари механизаторлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Калинин районидаги «Москва» ҳамда Калинин номли колхозларнинг тажрибали сабзаворчилари барча дала ишларини намунали уюштириб, йиллик планни муддатидан илгари ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлдилар. Тайёрлов пунктларига йиллик планда белгиланганидан 1593 тонна кўп маҳсулот етказиб берилди.

Райондаги «Хасково», «Узбекистон 50 йиллиги», ва «Назарбек» совхозларининг коллективлари ҳам яриm йиллик планга нисбатан 3516 тонна кўп сабзавот маҳсулотлари етиштириб, планни ортиғи билан бажардилар.

Тошкент районидаги Навоий номли ва Охунбобоев номли колхозларда ҳам эртаки ва ўртаки сабзавот экиларидан мўл ҳосил олинди. Айниқса, Навоий номли колхоз аъзоларининг фидокорона меҳнати таҳсинга лойиқдир. Улар давлат тайёрлов пунктларига 7 минг тоннадан зиёд маҳсулот топшириб, йиллик халқ хўжалик планини бажарib қўйдилар. Дастлабки, муваффақиятдан руҳланган колхоз коллектив йил охиригача планга қўшимча яна 4 минг тонна маҳсулот топшириш юзасидан мажбурият қабул қилди.

Маълумки, сабзавот маҳсулотлари етиштириш осонликча бўлмайди. Масалан, сифатли ва бақувват помидор кўчати етиштириш учун мириқиқор деҳқонларимиз, декабрь ойининг қишли-қировли кунларидаёқ ишга киришадилар. Етиштирилган кўчат далаларга келтирилиб, экилгунга қадар жуда кўп меҳнат сарф бўлади. Ана шу меҳнатнинг оғир-ва мураккаб эканлиги ҳисобга олиниб, бу йил помидор ҳосилини қабул қилиш нархи унинг навига қараб ҳар бир тоннаси учун 110 сўмдан 150 сўмгача оширилди. Бу тадбир хўжаликларнинг экономикасини мустаҳкамлаш ҳамда шаҳар меҳнаткашларига фақат аъло сифатли маҳсулот етказиб беришга қаратилган эди.

Бироқ, областдаги айрим хўжаликларнинг раҳбарлари бу қарорнинг туб моҳиятини тўғри тушуниб етмай, уни амалга оширишда сусткашлик қилмоқдалар. Ҳатто ихтисослаштирилган Калинин районида ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётир. Масалан, «Ташпилодовощторг»нинг улугржи савдо ташкилотлари ҳамда район хўжаликларининг раҳбарлари ўзаро келишган ҳолда 10 июлдан 31 июлгача кундалик помидор топшириш графигини тузган эдилар. График бўйича ҳар куни шаҳардаги сабзавот дўконларига 85 тонна маҳсулот етказиб бериш лозим эди. Аммо, ўртача 44 тоннадан оширолмадилар.

Тошкент райони хўжаликлари ҳам кундалик помидор топшириш планини бажармаётирлар. Айниқса, Ильич номли, С. Раҳимов номли колхозларда шаҳар дўконларига кунига ўртача 25—30 тонна ўрнига 2—3 тонна маҳсулот юборилмоқда, холос.


Оржоникидзе районидаги аҳвол эса янада аччиқлидир. Сабзавот дўконларига графикда белгиланган 70 тонна ўрнига фақат 25 тонна маҳсулот жўнатилмоқда. Райондаги «Правда» колхозида (раиси М. Оловудинов) кунига 25—30 тонна помидор ҳосили териб олинмоқда. Бироқ уни даланинг ўзида саралаш ва махсус яшчикларга жойлаш устидан қатъий назорат ўрнатилмаган. Колхозчилар помидорни саралаб шаҳар дўконларига юборишдан эринибгина, ишнинг енгил томонини қўлаган ҳолда тайёрлов пунктларига жўнатмоқдалар.

Ленин номли колхоз (раиси М. Рашидов) июль ойи учун Ҳамза район улгуржи савдо ташкилоти билан сабзавот маҳсулоти топшириш графигини тузган эди. Бир ой давомида 200 тонна ўрнига фақат 14 тонна помидор топширилди. Савдо ташкилотлари сабзавот турлари бўйича белгиланган 651 тонна ўрнига 36 тонна маҳсулот қабул қилиб олдилар холос.

Областдаги кўплаб хўжаликлар дала ишларини ҳар томонлама пухта ташкил этиб, юбилей шарафига олган мажбуриятларни муваффақиятли бажараётган ҳозирги долзарб кунларда бу хўжаликларнинг масъулиятсизликка йўл қўйиб, эл-юрт ишончини оқлай олмаётганликлари кечириб бўлмас ҳолдир. Улар йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, ишда кескин бурилиш ясашлари, сабзавот дўконларининг бўш туриб қолмаслиги учун савдо ташкилотлари билан тузилган графикларнинг тўла бажарилишини таъминлашлари ва шу йўл билан шаҳарликлар дастурхонини сифатли маҳсулотлар билан безаётган илғор хўжаликлар сафига чиқиб олишлари лозим. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд эканлигига шубҳа йўқ. Ҳамма гап хўжалик раҳбарларининг, колхоз активларининг, коммунистларнинг, қолаверса ҳар бир сабзаворкорнинг ўз зиммасига юкланган вазифага виждонан муносабатда бўлиб, ҳалол меҳнат қилишига боғлиқдир.

М. МИРХАЛИЛОВ,
Область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатни бўйича давлат инспектори.





ОҒЗАКИ СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ КАДРЛАРИГА ЁРДАМ

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

Областимиз ишлаб чиқариш коллективлари шу кунларда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўриб, социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Айни вақтда коллективларда СССР Конституциясининг лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда ва қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Тошкент области ва пойтахт шаҳар саноатчилари шонли юбилейни муносиб кутиб олиш йўлида мусобақани қизитиб, маҳсулот реализация қилиш етти ойлик планини муддатидан илгари бажардилар, топширикдан ташқари яна ўнлаб миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам шу кунларда дала ишларини қизитиб, шонли санани рекорд кўрсаткичлар билан кутиб олиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ана шундай шароитда партия ташкилотлари, оғзаки сиёсий агитациянинг барча кадрлари ҳамма меҳнат коллективларида ва турар-жойларда СССР янги Конституцияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш борасидаги ишларни кучайтиришлари лозим. Барча оммавий-сиёсий ишлар оммани сиёсий ва меҳнат активлигини янада оширишга, коллективларда социалистик мусобақани янада авж олдиришга қаратилиши даркор.

Шу мақсадда сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ва сиёсий ташкилотчиларнинг навбатдаги семинарини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунда қуйидаги мақола ва материаллардан фойдаланиш лозим:

Умумхалқ муҳокамаси («Правда» газетасининг бош мақоласи (2 август), республика ва область газеталарининг 3 август сони).

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетида «Оқ олтин район партия комитетининг пахта, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини қисқа муддатда йиғиштириб олиш ва тайёрлаш соҳасидаги тадбирлари тўғрисида» (республика газеталарининг 28, область газеталарининг 29 июль сонлари).

Социалистик турмуш тарзи ва идеология ишлари масалалари (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 14-сон, 10—21-бетлар).

Маданият ва ахлоқ ҳақида суҳбатлар («Агитатор», 13-сон, 56—58-бетлар).

Турар жойларда «Правда» газетасининг 4 августдаги бош мақоласи.

Август ойида суҳбатлар ўтказиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланишни тавсия этамиз:

ИЧКИ СИЁСИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизнинг Асосий Қонуни («Агитатор», 13-сон, 8—15, 14-сон 13—15-бетлар, «Узбекистон коммунисти», 7-сон, 45—47-бетлар, «Узбекистон агитатори», 13-сон, 8—12, 14-сон 20—21 бетлар).

Коммунистик қурилишнинг ленинча йўли («Коммунист», 10-сон, 5—16-бетлар, КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 14-сон, 5—9-бетлар).

Тошкент область партия комитетининг пленуми материаллари (область газеталарининг 27 июль сони).

Социалистик қонунчилик мустаҳкамлаш (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 14-сон, 10—69, «Агитатор», 14-сон, 2—6-бетлар).

Октябрь ғояларининг зафарли одими («Узбекистон агитатори», 13-сон, 14—16 ва 14-сон 24—27-бетлар).

Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тузум асослари («Узбекистон агитатори», 14-сон, 22—23-бетлар).

Совет олимпиячилари — Бутуниттифоқ физкультурачилар кунига (13 август) («Агитатор», 13-сон, 53—55-бетлар).

Қаҳрамонлар ва жасорат — 21 август — СССР Ҳарбий флоти куни («Агитатор», 14-сон 42—44-бетлар).

ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ

Беш йилликнинг дадил қадами (марказий, республика, область газеталарининг 23 июль сони).

Республиканинг шаҳдам одимлари (республика, область газеталарининг 26 июль сони).

Экономикамизнинг зарбдор одими (область газеталарининг 28 июль сони).

СССРнинг иқтисодий системаси («Агитатор», 14-сон, 9—12, «Узбекистон агитатори», 14-сон, 28—30-бетлар, «Экономика и жизнь» 7-сон, 2—5-бетлар).

Тез ва тежам билан қурайлик («Агитатор», 13-сон, 28—31, 14-сон 25—26-бетлар, «Экономика и жизнь», 7-сон, 33—45-бетлар).

Юқори ҳосил учун курашда «Партия турмуши», 7-сон, 65

Фермаларда ем-хашак заплси етарли бўлсин («Агитатор», 13-сон, 24—27-бетлар).

Миллион тонна ҳақрабо дони («Партия турмуши», 7-сон, 60—62-бетлар).

Тошкент область партия комитетида («Пискент пахта тозалаш заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари коллективининг барча пахта тозалаш саноати ходимларига мурожаати». (Область газеталарининг 26 июль сони).

Тошкент область партия комитетида «Юқори Чирчиқ луб заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективининг область барча луб саноати ходимларига мурожаати». (Область газеталарининг 30 июль сони).

ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Фан халққа хизмат қилади («Политическое самообразование», 7-сон, 60—61-бетлар).

Жамиятнинг соцнал бир хиллиги ўсиб бормоқда. («Агитатор», 13-сон, 16—19-бетлар).

Ватанпарвар интернационалистларни тарбиялайлик («Узбекистон агитатори», 13-сон, 28—30-бетлар).

Октябрь яратган турмуш тарзи («Агитатор», 14-сон, 49—53-бетлар).

Гулла, яшна, она-Ватан («Агитатор», 14-сон, 46—48-бетлар).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ

Халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш учун курашда. («Коммунист», 10-сон, 17—32-бетлар).

Тинчлик ва социализм ажралмасдир («Международная жизнь», 7-сон, 11—20, «Агитатор», 14-сон, 20—24-бетлар).

Тангликни юмшатишни мустаҳкамлаш йўлидан (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 14-сон, 3—4, «Коммунист», 10-сон, 3—4, 98—105, «Агитатор», 14-сон, 6—8-бетлар).

Европада мустаҳкам тинчлик учун («Агитатор», 13-сон, 44—48-бетлар).

Даврнинг муҳим ҳужжатлари (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 14-сон, 22—26-бетлар).

Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгешининг носоциалистик давлатлар билан иқтисодий алоқалари («Политическое самообразование», 7-сон, 113—116-бетлар).

Самарали ҳамкорлик («Агитатор», 14-сон, 58—60-бетлар).

Халқаро алоқалар ва инсон ҳуқуқлари («Международная жизнь», 7-сон, 30—40-бетлар).

Буржуа фалсификаторларининг уйдирмалари ва ҳақиқат («Узбекистон коммунисти», 7-сон, 89—95-бетлар).

ЭСЛАТМА: суҳбатга тайёрланишда вақтли матбуот материаллари, маҳаллий фактлар, рақам ва мисоллардан фойдаланинг.



МУҲАББАТ БОҒЛАРИ

Паркент марказидан жанубга юрсангиз, Каллахўран адирларига кўтарилсангиз. Бу пастбаланд тепаликларга «Гулистон» колхозининг боғ-роғлари, экинзорлари жойлашган.

Бир тепаликда ёш ток кўчатлари кўзга ташланиб турарди. Иккинчи бир адр қиялигида эса ҳосилга кирган ток яшил бахмалдай ер бетини қоплаб турипти.

Тепаликнинг энг баланд жойидаги чорпояда кимдир салқинлаб, дам олиб ўтирибди. Бизни кўриши билан у сўридан тушди. Ҳамроҳим — колхоз партия ташкилотининг секретари Мирвали Муротов.

— Бу йигит ёш боғбон Ғафур Тожибоев,— деб таништирди, сўнг адрлар орасидаги илонизидай бурама сўқмоқ йўлга қараб, хурсанд гапирди.

— Ана, опанинг ўзлари ҳам келяптилар.

Ўрта ёшлардаги, дуркун, ғайратли аёл тез юриб, етиб келди. У узумчилик бригадасининг бошлиғи Муҳаббат опа Ғафурова эди.

Опа атрофидаги узум боғларига мамнун нигоҳ ташлаб сўнг колхоз боғлари ҳақида суҳбат бошлаб юборди:

— Манави қиялikдаги токлар илгари яхши ҳосил берар эди. Қаровсиз қолган ҳосилдор токлар қурий бошлади. Бировлар сувсизликни, бошқа бировлар ернинг қуввати йўқ деб важ кўрсатишди. Қарасак, кўз олдимизда яшнаб турган боғ йўқолаётган бўлиб қолди. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти бу аҳволдан ташвишланиб қолди. Мен бошқа бригадада оддий колхозчи бўлиб ишлар эдим. Кўккисдан мени колхоз правлениеси мана шу сизлар кўриб турган бригадага бошлиқ қилиб тайинлади. Мен оддий боғбон эдим. Бригадани бошқаришга тўғри келди. Ишни шу эски токзордан бошладим. Уни эпақага келтириш керак эди. Эплолмасам, орқамга қайтиб кетаман, деб юрган эдим. Бригада аъзолари барака топишсин, ҳаммиқат бўлиб ишлашди. Қуриб қолган ток занглрини кесиб олиб ташлаб, уларнинг ўрнига янги серҳосил новдаларни ўтқаздик. Бир хилларини парваришлаб тиклаб олдик. Мана, янги занглар пайдо бўлди. Энди бу ерларда 12 хил узум парвариш қилиняпти.

Опа эгат оралаб, ток новдаларини кўтариб, яккамдуккам узум бошларига ишора қилди:

— Ҳали ҳам ҳосили кам. Бу билан узоққа бориб бўлмайди. Узгартириш керак. Ерни тўйдириш, сув олиб келиш ва серҳосил навларни кўпайтириш зарур.

Муҳаббат опа ерга эзўр муҳаббат билан қараб келаётган миришкор боғбонлардан. У Паркент узумлари Тошкентда ва бошқа шаҳарларимизда маълум ва машҳур эканлигини, лекин Паркент боғлари эл-юртимизда машҳур эмаслигини тилга олди. Паркент атрофидаги қишлоқлар токзорлар билан ўралган.

Юқори Чирчиқ районининг Паркент зонасидаги колхозларнинг деярли ҳаммасида узум етиштирилади. Лекин бу кенг майдонларни эгаллаб ётган токзорлардан юқори ҳосил етиштирилмаётир, узум навлари ҳам талабга жавоб бермаётир.

Муҳаббат опа токзорлар ҳақида суҳбат юритганда Паркент қирларида яхши узум ҳосили етиштирилишини тилга олди. Лекин бунинг учун изланиш, эътиқод, илғорлар тажрибаси асосида янги навларни етиштириш зарурлигини уқтириб ўтди.

Муҳаббат опа бригадасига қарашли токзорларнинг ярмиси кўп йиллардан бери ҳосил етиштириб келган узумзорлардан иборат. Лекин собиқ бригада бошлиқлари ишни яхши уюштира олмаганлар.

Бригада бошлиғи эски токзор ўрнида янги узум кўчатлари ястаб турганлигидан мамнун бўлиб сўзлайди. Бригаданинг 18 аъзоси ҳаммжиҳат бўлиб ишлаб келяпти. Ҳар бир ток кўчатини алоҳида парвариш қилиб, уни тез ҳосилга киришига катта эътибор берилмоқда. Кучсиз ерлар озиқлантирилиб, ўз вақтида суғорши ишларига эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида эски ва янги ток кўчатлари яхши ривожланмоқда. Муҳаббат опа бригада аъзоси Ғафур Тожибоев ҳақида сўз юритди. Уни шу ерда туғилиб катта бўлганлигини, армиядан бўшаб келгач, бригадада боғбон бўлиб яхши ишлаётганлигидан мамнун бўлиб сўзлади. Ғафур йўл чеtидаги ток навдаларини кўтариб, олмосдай товланиб турган узум бошларини кўрсатди.

— Мана бу ёқда полиз пайкалларимиз бор. У ерда ҳам яхши қовун-тарвузлар унмоқда. Ҳаммаси механтдан, тажрибадан экан. Ҳосили яхши униб турса, ерга меҳр қўймай бўладими, — деди у.

Ғафур Тожибоев бригаданинг бошқа аъзолари ҳам зўр ғайрат билан ишлаб келаётганлигини гапирди. У кекса боғбон Эгамберди ота Шерматов ҳақида илиқ сўзларни айтди. Эгамберди ота кекса коммунист, тажрибали боғбон, у пенсияга чиққан бўлса-да, бригадага келиб, ёш боғбонларга маслаҳатлар бериб туради, кўчат ўтқазишда ва парвариш қилишда бригада аъзолари орасида бўлади. Бу ерда Эгамберди отага ўхшаган тажрибали бошқа боғбонлар ҳам бор. Улар орасида Рискибой Хусановни, Тожибой Пирматовни, Анзират Тоштоева ва Мамлакат Пирматоваларни кўрсатиш мумкин. Ана шу тажрибали боғбонлар маслаҳати ва ғайрати билан бригадада 24 гектар кўриқ ерларда янги токзор пайдо бўлди. 21 гектар эски ток жойлари қайтадан серҳосил токзорларга айлантирилди. Ҳозир бригада токзорларига қадам қўйсангиз, қора, оқ, қизил рангли, турли навдаги узум ҳосилларини кўриб қувонасиз.

Бригада бошлиғи ерларни яхши ишлаб, ток кўчатларини мунтазам парвариш қилиб борилса ҳар гектар ердан — 20—30 тоннадан узум ҳосили олинишини сўзлади. Муҳаббат опа атрофидаги уфққа бош қўйган паст-баланд адрларга ифтихор билан қараб ниятини айтди:

— Ҳа, бу жойлар бизга қараб турипти. Уларнинг изми бизнинг қўлимизда. Биз бу ерлардан хоҳлаганча ноз-неъмат олишимиз мумкин. Мен серфарзанд онаман. Боғларим ҳам бир фарзандим каби менга азиздир. Шунинг учун эрта ҳам; кеч ҳам шу боғларда бўлай дейман. Отам Қўчқор Юсупов эски коммунист, тажрибали боғбон, мен ёшлик чоғимдан отам ёнида юриб, улардан боғбонликни ўргандим. Отам билан биргаликда ҳар йили янги-янги кўчатлар етиштирардик. Мана, ҳозир ҳам кўчатлар етиштириб келмоқдамиз. Бизнинг бригадамиз Вали Миртожиев бригадаси билан мусобақадош. Биз шу мусобақадош бригаданинг 13 гектар ерига серҳосил баёнширин навли кўчат етказиб бердик. Ҳозир биз берган кўчатлар яхши парвариш қилинганидан ҳосилга кирган. Бошқа бригадаларга ҳам кўчат етказиб беришда кўмаклашиб келмоқдамиз. Бригадамиз аъзолари серҳосил узум кўчатлари етиштиришда ғайрат билан ишлаб келмоқдалар.

Бригаданинг келажакдаги режалари катта. Қўриқ ерларда янги токзорлар барпо қилиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Опа колхозда намуна кўрсатиб ишлаб келаётганлиги учун «Ҳурмат белгиси» ва III даражали Меҳнат шуҳрати орденлари билан мукофотланган. Паркент қишлоқ Советининг депутати, колхоз хотин-қизлар Советининг раиси, 1973 йилдан буён партия аъзоси, жамоат ишларида актив қатнашиб келади.

Опа олис уфқларга ифтихор билан қарар экан, унинг кўз олдида гўё янги боғлар пайдо бўлгандай туюлади. Ҳа, бундай тажрибали, ғайратли боғбонлар бор жойда янги чаманлар пайдо бўлади.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам токзорлар, мевазорлар, сабзавот, полизлардан мўл ҳосил етиштириш учун миришкорлар ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Колхоз партия ташкилотининг секретари Муротов колхознинг истиқболи ҳақида сўзлай бошлади. Колхознинг 2040 гектар ғалла ери, 260 гектар токзори, 120 гектар жўхори, 147 гектар мевазор боғлари борлигини айтди. Колхоз ерлари 60 километрлик кенг майдонни ташкил этади. Хўжаликда 405 қорамол, 5900 қўй, 120 та йилки, 7 мингта парранда бўлиб, уларни тажрибали колхозчилар парвариш қилмоқдалар. Колхоз ўтган йили бир ярим миллион сўм даромад олган. Колхозда 16 та бригада бўлиб, шундан 9 таси боғдорчилик, 2 таси ғалла билан шуғулланади. Қолган бригадаларда ғалла, ем-хашак, сабзавот, картошка маҳсулотлари етиштирилмоқда. Колхоз территориясига янги қазилаётган Паркент каналидан сув келтириш планлаштирилган. Бу оби-ҳаёт чашмаларидан бахраманд бўлинса, колхознинг янги боғ-роғлари гуркираб яшнайди.

Колхоз аъзолари янги режалар билан яшамоқдалар. Бу режалар она-Ватанга мўлкўл мева, ширин-шакар узум ва сабзавот маҳсулотлари етказиб беришдан иборат. Биз тажрибали миришкор боғбон Муҳаббат опа боғларида юрганимизда ана шу улуғ режалар амалга ошаётганлигини кўрдик.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси боғ ва токзорларида бу йил мўл ҳосил етиштирилмоқда. Боғдорчилик совхози коллективи Улуғ Октябрининг 60 йиллиги шарафига оширилган мажбурият қабул қилган. Улар 81 гектар боғдан 800 тонна олма ҳосили тошшириш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Ҳозирги кунгача тайёрлов пунктларига 200 тоннадан зиёд олма етказиб берилди. Суратларда: совхоз ишчиларидан Н. Юнусова ва Д. Абибуллаевлар иш устида.

А. Тўраев фотоси.

100 ЦЕНТНЕРЛИК ҲОСИЛ УЧУН

Мўл ҳосил етиштириш мажбуриятини олган Тошкент областидаги комсомол ва ёшлардан иборат 268 бригада маккажўхори ўримини кенг кўламда олиб бормоқда. Экинзорларда 358 та комбайн ишлаб турибди. Ана шу комбайнлар билан 15,5 минг гектар майдондаги «Дала маликаси» йиғиштириб олиниши керак.

Қуйи Чирчиқ районидаги «Ленинград» колхозида комбайнчилардан Г. Сорокин билан Н. Жуманов бир кунда 2-3 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олмоқдалар. Ана шу хўжаликнинг А. Сафаров бошлиқ бригадаси ҳар гектар ердан 100 центнердан дон йиғиштириб олиш мажбуриятини қабул қилган, донни дастлабки янчиш натижалари 112 центнердан ҳосил олинганлигини кўрсатди.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ТАРАДДУДИ

Республика хўжаликлари куз фаслида экиладиган буғдой ва арпа уруғини тўлатўкис тайёрлаб қўйдилар. Механизаторлар ғалла экиладиган майдонларни ҳайдаш суръатларини ҳам жадаллаштирмоқдалар. Тошкент областида кузги экин экиш учун далаларнинг 40 проценти, Қашқадарё ва Самарқанд областларида эса экин майдонларининг 30 проценти ҳайдаб қўйилди.

Ўзбекистонда кузги бошоқли экинлар экиш учун жами 850 минг гектар суғорриладиган ва лалмикор ерлар ажратилди. Ана шу майдоннинг чорак қисми ҳозирдаёқ ҳайдаб қўйилди.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

А. Б. ВАЖПАИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 10 август. (ТАСС). Ҳиндистон ташқи ишлар министри А. Б. Важпаи парламентнинг юқори палатасида Ҳиндистон ҳукуматининг ташқи сиёсий йўли тўғрисида баёнот берди.

Мамлакатнинг ташқи сиёсатида ҳеч қандай ўзгариш рўй бермади, блокларга қўшилмаслик юзасидан эълон қилинган сиёсатга содиқ эканлигимизга шубҳа бўлиши мумкин эмас, Ҳиндистон бирор мамлакат томонидан ҳар қандай тазйиқ кўрсатилишига қарамай, ўз сиёсатини ўзгартирмайди, деди А. Б. Важпаи.

Министр Совет-Ҳиндистон муносабатлари тўғрисида гапириб, бу муносабатлар «жуда мустаҳкам», деди. Совет Иттифоқи 1971 йилдаги оғир пайтларда Ҳиндистоннинг иттифоқчиси бўлди. Биз бу дўстликни қўллаб-қувватлашни истаймиз. Жаната парти ҳокимият тепасига келиши билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громикони Деҳлига таклиф этди. А. А. Громико мамлакатнинг янги раҳбарлари билан музокаралар олиб борди. Қўшма Штатлар билан алоқаларга келганда шуни айтиш керакки, деб сўзини давом эттирди министр, Картер маъмурияти биз билан дўст бўлишни таклиф этди. Биз бу таклифни қабул қилишга қарор бердик. Ҳиндистоннинг Қўшма Штатлар билан муносабати ҳуқуқий тенгликка асосланади, деди А. Б. Важпаи, 1971 йилда Ҳиндистонга нисбатан ўз муносабатларини ўзгартириш йўлини тутган эди, эндиликда у шу йўлни тўғрилаб олишни истайди.

А. Б. Важпаи Жаната парти ҳукуматининг ядро сиёсати борасидаги позициясини тушунтириб, қатъий равишда шу гапларни айтди: Ҳиндистон ўз кучи билан барпо этган атом марказларини бирор мамлакатнинг ҳар қандай вазиятда бўлса ҳам инспекция қилишига йўл қўймайди.



ПОЛЬША. Эльблонг шаҳридаги «Замех» заводида 360 минг киловатт қувватли дастлабки агрегат яратилмоқда. Шу беш йилликда корхона ана шундай қувватли турбиналардан яна ўнтасини ишлаб чиқаради. Суратда: янги агрегат тайёрланаётган цех.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ГАВАНА. Санта-Клара шаҳридаги марказий университетда навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди. Бу воқеага бағишланган тантанали йиғилишда 300 дан ортиқ киши олий маълумот олганликлари ҳақидаги дипломларга эга бўлди. Санта-Клара университети — юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлайдиган йирик марказдир. Бу олий ўқув юртини ҳозирги кунгача 7 минг киши тамомлаб чиқиб, улар Куба халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқда.

ПАРИЖ. «Францияда иш қидириб толиш тобора қийинлашиб қолди» — деб таъкидлайди «Котидьен де пари» газетаси. Ишсизлар сонининг ошиб бориши билан бирга уларнинг иш қидириш учун сарфланаётган вақти ҳам ортиб боряпти. Статистика ва иқтисодий тадқиқотлар миллий институтининг маълумотига кўра, ҳозирги вақтда француслар меҳнат биржаларида 1975 йилдагига нисбатан ўрта ҳисобда икки ойдан кўпроқ навбат кутиб турадилар.

Статистика ишдан маҳрум бўлган кишилар оғир муҳтожликка учраётганликларини ҳам тасдиқлайди: Францияда ишсизларнинг ярми 400 франкдан ҳам кам миқдорда арзимаган нафақа олади. Аёллар ва ёшлар ишга жойлашишда айниқса қийналмоқдалар. Бутун ишсизлар армиясининг 54 процентини аёллар ташкил этади.

БАЙРУТ. Ливан раҳбарлари, деди Ливан президенти И. Саркис савдо-саноат дояраларининг вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда, мамлакатнинг барча районларида вазиятни стабиллаштиришга ва тинчлик ўрнатишга ҳаракат қилади. У Ливаннинг бошқа мамлакатлар билан нормал иқтисодий алоқалар тиклаши Ливан танглигини тезроқ бартараф этишга ёрдам беради деган фикрни билдирди. И. Саркис мамлакатда мавжуд барча ижтимоий проблемаларни ҳал этишнинг мустаҳкам негизи бўлган Ливан экономикасининг саноат секторини янада ривожлантириш зарур эканлигини таъкидлади.

ТОКИО. Япония экономикаси ҳамон чуқур турғунлик ҳолатидадир. Японияя министрлар кабинети томонидан тасдиқланган 1976 молия йил экономикасига оид «оқ китоб» муаллифлари буни тан олишга мажбур бўлмоқдалар. Улар экономикани соғломлаштиришнинг реалистик программасини барибир ўртага қўя олмадилар. «Нихон кэдзай» газетаси ҳужжатнинг мазмунини шарҳлаб, уни депрессия рангига бўялган «китоб» деб атади.

(ТАСС, 10 август).

СССР УЧУН КЕМАЛАР

ВАРШАВА, 11 август. (ТАСС). Гдинядаги «Парижа коммуна» номли кемасозлик корхонасида 105 минг тонна ҳажмли 411-кема сувга туширилди. Унга «Маршал Жуков» номи берилди.

1950 йилда шу корхонада қурилган биринчи ўрта кема кема синфари қуруқ юк ташийдиган бу катта кема ҳам СССР учун мўлжалланган. Совет буюртмалари Польшанинг энг катта кемасозлик заводини кенгайтириш учун ишончли гарантия бўлди.

«Маршал Жуков» — Польша Халқ Республикасининг қуруқликдаги биринчи корхонасида қурилган 105 минг тонна ҳажмли тўртинчи кемадир. Унинг ёнида янада каттароқ корхона бор. Бу ерда 250 минг тоннагача юк кўтарадиган кемалар қуриш мумкин. Шу корхонада ҳозир суюлтирилган газ ташийдиган танкер қурилмоқда.

С. ВЭНС САФАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 10 август. (ТАСС). АҚШ давлат секретари С. Вэнс Саудия Арабистонидан Исроилга келди ва М. Бегин ҳукумати билан музокараларни бошлаб юборди.

Исроил раҳбарлари, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси, Тель-Авив Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо секторида босиб олинган ерлардан чиқиб кетишга қаршидир, Исроил билан муштарак чегарага эга бўлган ҳар қандай Фаластин давлатининг вужудга келтирилишига қаршидир, деб дангал айтишди. Исроилликлар Женевада Фаластин озодлик ташкилоти вакилларининг иштироки билан конференция чақириш йўлидаги тадбирларга очиқдан очиқ қаршилик кўрсатишга уринмоқдалар.

Исроил ташқи ишлар министри Даян матбуот конференциясида гапириб. Исроилнинг Фаластин озодлик ташкилотига нисбатан салбий позициясини таъкидлаб ўтди ва Тель-Авив «Фаластин озодлик ташкилоти билан бирор тарзда музокаралар олиб бориш ёки Женева сулҳ конференциясида қатнашиш учун фаластин озодлик ташкилотининг фикрига қўшилганлигимиздан далолат бермайди».

Музокараларда ихтилофлар рўй берганлиги тўғрисидаги уйдурма гапларга қарамай, АҚШ давлат секретари «Исроилнинг хавфсизлигини таъминлаш ва унинг идеалларини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш» мақсадида «Америка Исроилни доим қуллаб-қувватлайверади», деди.

БАЙРУТ, 10 август. (ТАСС). Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат бундай деди: Империализм ва сионизм кучлари бутун араб миллатини, шу жумладан фаластинлик араб халқини тиз чўктиришга уринмоқда. Яқин Шарқ можаросини бартараф қилишга бағишланган музокараларда Фаластин озодлик ташкилотининг қандайдир «Фаластин элементлари» билан алмаштириш йўлидаги уринишлар барбод бўлганлиги яққол кўриниб турибди, деб таъкидлади у. Фаластин проблемасини адолатли тарзда ҳал этмай туриб, Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик бўлиши мумкин эмас.

ДАМАШҚ, 10 август. (ТАСС). Бу ерда президент Х. Асад раислигида Сурия Араб Республикаси прогрессив миллий раҳбарлари марказий раҳбарлигининг мажлиси бўлди.

Х. Асад Сурияниинг Яқин Шарқ проблемасини ҳал этишга нисбатан тутган йўлини баён қилиб бундай деди: Сурия Женева конференциясида қатнашувчи ягона Араб делегациясини тузишни қўллаб-қувватлайди. Бу рад этилган тақдирда Сурия, Миср, Иордания ва Фаластин озодлик ташкилотининг алоҳида-алоҳида делегациялари Женева конференциясида иштирок қилиши керак. Бу делегациялар ўз позицияларини тамомила мувофиқлаштириб олиб борадилар. Сурия Араб Республикасининг президенти А. Садатнинг «Ишчи группаси» тузиш ҳақидаги таклифини рад этди ва бу таклиф «Арабларнинг ишига наф келтирмайди», деди.

Президент Х. Асад БМТнинг қарорларига мувофиқ, фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини, шу жумладан унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашни ёқлаб чиқади. 1967 йилда босиб олинган Араб территорияларидан Исроил қўшинларининг ҳаммасини олиб чиқиб кетишни талаб этади.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Яқинда республика сув хўжалиги министрлигига қарашли Тошкент экскаватор-ремонт завод и н и н г коллективи мелиораторлар учун ғоятда қўл келадиган машинанинг биринчи нусхасини ишлаб чиқарди. Бу ажойиб агрегат ёпиқ горизонталь зовурларни тозалашга мўлжалланган бўлиб, ирригация ишларида ғоятда катта қулайликларни вужудга келтиради.

Бу машинани ирригация бўйича давлат конструкторлик бюросининг ижодий коллективи ўз вақтида яратишга муяссар бўлди. Бунинг учун жуда кўп ирригация зоналари ўрганилди, агрегатнинг турли узеллари фаслнинг турли вақтларида ҳар томонлама синаб кўрилди.

Ер остига жойлаштирилган мелиорация шохобчаларини бу усулда тозалаш ишлари асосан насос станциясининг ёрдамида сувнинг кучли босими билан амалга оширилади. Катта босим билан борган сув қувурлар ичида ўрнашиб қолган лойқалар ва хас-чўпларни оқизиб юборади. Шу йўл билан зовур ичи яна илгариги ҳолатига келади.

Корхона коллективи бу янги агрегатни кўплаб ишлаб чиқариш ва мелиораторлар хизматига жўнатишга қарор қилиб, зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Улар аввало, йил охиригача агрегатлардан йигирматасини ишлаб чиқариб, республиканинг турли жойларига жўнатишга бел боғладилар. Уларни аввало, Сурхондарё, Фарғона ва бошқа областларга жўнатиш мўлжалланмоқда. Чунки бу областларнинг хўжаликларида шундай агрегатларга талаб анча катта. Чунончи, мазкур областларнинг территорияларида тупроқ остидаги зарарли намликни қочириш учун ер ости системалари кўплаб бунёд этилган.

Республика конструкторлари мелиораторлар учун ана шундай янгидан-янги

ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

ажойиб машиналар яратиб бермоқдалар. Яқинда ирригация бўйича давлат конструкторлик бюросининг ижодий коллективи яна бир янги машинани имтиҳондан ўтказди. Янги агрегат зах-каш ерларга ҳамда шўрхок майдонларга зовур ётқизиш билан шуғулланади. Тошкент экскаватор-ремонт заводининг ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлари ана шу агрегатни ҳам шу йилнинг ўзида сериали ишлаб чиқаришга киришадилар. Бунинг учун корхонада қатор тадбирлар белгиланаётир.

Бу янги машина бир йўла тўрт вазифани бажара олади. Чунончи, у даставвал труба ётқизиладиган зовурни етарли ҳажмда кавлаб беради, кейин уни труба ётқизишга мослайди.

Бундай ажойиб агрегатлар мелиораторлар учун ғоятда зарурдир. Чунки, шу беш йилликда горизонталь зовурлар бунёд этишнинг жуда катта программаси амалга оширилиши керак. Масалан, республикада ўрта ҳисобда 170 минг гектар майдонда шундай зарур ишлар амалга оширилади. Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларда ҳам шу тоифадаги анча ишлар бажарилади. Ана шу боисдан ҳам конструкторлик бюроси ижодкорлари ва завод коллективи шу каби янгидан-янги машиналарни мелиораторларга кўплаб етказиб бериш устида ўзаро ҳамкорликда ишламоқда.

Тошкент экскаватор-ремонт заводининг сергайрат коллективи шу кунларда қишлоқ меҳнаткашлари ҳамда мелиораторлар учун юбориладиган машиналарнинг сифатли бўлиши учун астойдил меҳнат қилиб, ойлик топшириқларни муваффақиятли бажаришга эришмоқда. Улар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб ҳамда Улуғ Октябрининг 60 йиллик тўйига муносиб армугон тайёрлаш мақсадида ўзаро меҳнат беллашувини кундан-кунга авж олдирмоқдалар.

Я. ТЎХТАЕВ.



Бекобод районидаги 45-автомобиль корхонасида Улуғ Октябрининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Унда иштирок этаётган кўпгина шоферлар меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. КПСС аъзоси Бобожон Қоплонов ана шундай илғорларнинг бири. У шу кунларда декабрь ойи ҳисобига ишлаяпти.

Т. Маҳкамов фотоси.

„ЧЕДОК“ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



Марианска Лазни Чехословакиянинг энг гўзал курорт шаҳарларидан биридир. Суратда: ана шу курортнинг хушманзара оромгоҳларидан бири.

Пойтахтимизда Чехословакия туризми кунлари ниҳоясига етди. Дўст мамлакат ҳаётига бағишланган бу муҳим тадбир тошкентликларда катта қизиқиш уйғотди. Тошкент кабель заводида бўлиб ўтган интернационал дўстлик кечасида эса ҳамшаҳарларимиз Чехословакия ва республикамиз туризм борасида олиб бораётган ҳамкорлик ҳақида муфассал билиб олдилар.

Чехословакия азалдан туристлар диққатини ўзига тортиб келади. Бу бежиз эмас. Мамлакат орқали уни бошқа қўшни ва узоқдаги давлатлар билан боғловчи кўплаб автомобил йўллари, темир ва ҳаво йўллари ўтади. Чехословакияга бўлган қизиқишнинг яна бир сабаби шундаки, бу ерда 40 та шаҳар-заповедниклар мавжуд. Бу шаҳарлар ажиб табиати, ўзига хос гўзаллиги билан ажралиб туради. 2400 қалъа ва қўрғонлар, 36 мингдан зиёд тарихий ёдгорликлар давлат томонидан

ТУРИЗМ

муҳофаза қилиниб, уларга йилдан-йилга катта-катта маблағлар ажратилмоқда.

Чехословакиянинг минерал ҳавзалари, шифобахш сувлари ҳам меҳмонлар эътиборини қозонган. Курортлар, дам олиш уйларининг довруғи жуда кенг таралган. Карлови Вари, Марианска ёки Франтишков Лизне курортлари ўзининг шифобахш суви, табиати билан кўплаб дам олувчиларнинг эътиборини тортади.

Ана шу ажойиб мамлакат билан республикамиз ўртасида ажойиб туристик ҳамкорлик юзага келган. Бу борада айниқса Чехословакиянинг «Чедок» туристик саёҳатлар бюроси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бошқармаси катта ишларни амалга оширмоқда. Ҳар йили юзлаб республикамиз меҳнаткашлари Чехословакияда меҳмон бўлиб қайтмоқдалар. Қардош мамлакат туристлари ҳам ўз навбатида республикамизда бўлиб, қадимий обидаларимиз, замонавий шаҳарларимиз билан танишмоқдалар.

Бу йил Чехословакияга 68 мингдан зиёд совет туристи ташриф буюради. Улар 23 маршрут бўйича саёҳат қилиб, йирик шаҳарларда ва диққатга сазовор ерларда бўладилар. 100 мингдан зиёд чехословакиялик гражданлар эса ҳозирги кунда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнат қилаётган совет халқи ҳаёти билан танишадилар.

Чехословакия туризми кунларида «Чедок» туристик бюросининг вакиллари ҳам иштирок этдилар. Улар тошкентликларга ўз мамлакатлари ҳақида ҳикоя қилиб бериб, бизнинг серқуёш республикамиз билан яқиндан танишдилар. Шубҳа йўққи, ҳамкорликнинг бу янги формаси Чехословакия ва Ўзбекистон туристлари ўртасида дўстликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ж. ХОЖИАКБАРОВ.

Спорт

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Футбол бўйича СССР чемпионатидаги қисқа муддатли танаффусда мамлакатимизнинг командалари халқаро матчларда иштирок этишмоқда. Жумладан киевлик динамочилар Испаниянинг Билбао шаҳрида анъанавий халқаро турнирда қатнашишяпти. Биринчи учрашувда киевликлар Европа кубок эгалари кубоги мусобақасининг финалчиси — Бельгиянинг «Андерлехт» клуби устидан 6:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Тўпларни Коньков [2 та], Буряк, Бережной [2 та] ва Бессонов-лар киритишди. Энди динамочилар финалда майдон эгаларининг «Атлетик» клуби билан учрашадилар.

Кечаяда эса Днепропетровскнинг «Днепр» командаси меҳмон бўлди. «Днепр» футболчилари бир қатор ўртоқлик матчлари ўтказдилар. Сўнгги якуловчи учрашувда улар «Блек-Мамба» командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

РУС ПОЛВОНИ ХОТИРАСИ УЧУН

Уз вақтида донг таратган рус баҳодири Иван Поддубний хотирасига бағишланган турнирлар анъанавий бўлиб қолган. Бу кескин беллашувларда доим жаҳоннинг энг кучли курашчилари иштирок этишади.

Запорожьеда ўн олтинчи марта бўлиб ўтган бу галги халқаро турнирда 11 та мамлакат вакиллари гиламга чиқишди. Бизнинг республикамиздан ҳам икки киши фахрли ўринлар учун бел олишди.

52 килограммгача бўлган вазн категориясида тошкентлик Комил Фаткулин ҳамма учрашувларни юксак савияда ўтказиб, иккинчи ўринни эгаллади ва кумуш медаль билан мукофотланди. 48 килограммгача бўлган вазн категориясида эса яна бир ҳамшаҳаримиз Василий Аникин кучли олтиликдан ўрин олди.

АФҒОНИСТОНЛИК ХОККЕЙЧИЛАР МЕҲМОНИМИЗ

Шу кунларда республикамизда Афғонистон чим хоккей терма командаси меҳмон бўлиб турипти. Қўшни мамлакат хоккейчилари дастлабки учрашувни Андижонда ўтказдилар. Қизиқарли спорт курашида ўтган бу ўйинда «Меҳнат» хоккейчилари 1:0 ҳисобида ғалаба қилдилар. Ягона тўпни 60-минутда Валерий Платонов киритди.

Кеча меҳмонлар шаҳрихонлик хоккейчилар билан учрашдилар. 13 август Бутуниттифоқ физкультурачилар кунида эса улар Андижонда яна «Меҳнат» командаси билан майдонга чиқадилар.

ТЎРТ ПЕШҚАДАМ

«Ёш ленинчи» газетаси соврини учун анъанавий шахмат мусобақалари тобора авжига минмоқда. Ҳозиргача шахматчилар 11 та турдан 4 тасини ўтказдилар. Бўлиб ўтган учрашувлардан сўнг турнир жадвалига бир эмас, тўрт киши бошчилик қилмоқда. Ҳамшаҳарларимиздан Л. Маслов, О. Сиддиқов, Н. Айдаров ва чимкентлик Н. Тагиловлар барча учрашувларни ютуқ билан якунлаб, биринчи ўринда боришяпти. Кеча бешинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЛЕНИН ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ, Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ «ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ 87-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1977—1978 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: токарлар, слесарь-ремонтчилар, операторлар, фрезерчилар, газ-электр пайвандчилар, дурадгорлар, йиғувчи-слесарлар, электромонтёрлар.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ, 8—10-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати 3 йиллик группа ўқувчиларига тўлиқ ўрта маълумот ва ўқиган мутахассислиги тўғрисида диплом берилади.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Четдан келганлар турар жой билан таъминланадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар давлат томонидан тўлиқ таъминланган бўлиб, ишлаб чиқариш практикаси даврида 33 процент иш ҳақи оладилар.

Завод қошида кечки мактаб ва техникум мавжуд. Ўнинчини аъло баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўрта махсус ва олий ўқув юртларига йўлланмалар берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти директори номига ариза, тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, мактабдан характеристика, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, соглиги ҳақида справка (286-форма).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Текстильная кўчаси, 7-уй (7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбуслар-нинг; 2, 3, 18, 50, 54, 58-автобусларнинг «Соц. городок» бекати). Телефонлар: 53-95-26, 53-95-23, 53-95-21.

«ТОШКЕНТ ПАССАЖИРСКИЙ» СТАНЦИЯСИНИНГ

2-ВАГОН ДЕПОСИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 155-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИКЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН 3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 18—35 ЁШЛИЛАР (поездлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган ишларда ишлаш учун соғлиги тўғри келадиганлар) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚУВЧИЛАРГА — ҲАР ОЙДА 90 СЎМГАЧА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, медицина справкаси.

ПАСПОРТ ВА ҲАРБИЙ БИЛЕТ ШАХСАН КЎРСАТИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ҲАР ОЙНИНГ 1 КУНИДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адреслар: Тошкент шаҳри, Привокзальная кўчаси, 7-уй, Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бўлими, кадрлар бўлими; Б. Хмельницкий кўчаси, 90-уй, 2-вагон депоси, кадрлар бўлими. Телефонлар: 392-54-316, 392-54-325, 392-35-69.

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослаштирилган трестининг ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПОЙТАХТИДАГИ МЕТРОПОЛИТЕН ВА ҚУРИЛИШЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ МОНТАЖИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҲАР ОЙДА 76 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри — 115, Халқлар дўстлиги проспекти, 57-уй. Телефонлар: 76-75-79, 76-13-58.

СУВЧИЛАР

Пирпирар тонг киприги шўх, бедор полвон сувчилар,
Пахтазор ичра юрурлар марди майдон сувчилар.
Мисралар устида шоир ишлагандек ухламай,
Минг эгат бирла ёзурлар тунда достон сувчилар.
Чанқаганга ҳаёт обин тутмоқ касби кўп шараф,
Экин яшнаб, барча ҳурсанд; ҳурсанд ҳар он сувчилар.
Ғўзалар кўксида қат-қат кўргали гул-дур маржон,
Қалбларида йил бўйи шул орзу-армон сувчилар.
Эркалик бирла кўсаклар бокса барглар остидан,
Қаллиғин кўрган куёвдек шоду хандон сувчилар.
Қўймагайлар ҳар экинни чўллатиб, ҳам кўллатиб,
Постида ҳушёр, ҳамиша тезу чаққон сувчилар.
Боғлаган ул сувларидек дилларида мавжи ишқ,
Ҳар ниҳол жисмига меҳру берурлар жон сувчилар.
Саҳар мужгонларда уйқу ўлтириб ноз айласа,
Алданиб нозига учмас, оқил посбон сувчилар.
Кузда олтинранг чаноқлар тутса гавҳар кафтида,
Нашъасидан Муҳаммаджон кўкси осмон, сувчилар,

Муҳаммаджон ҚЎШОҚОВ.



В. КАЧАЕВ.

БУНЧА ЁҚИМТОЙ

Нега қизлар бунча ёқимтой
Бунча сулув, бунчалар нафис.
Жилваларин шошқин оқимдай
Узилмайди уларнинг сафи.
Аммо кулманг улар устидан
Замонамиз ўзгарган бу кун.
Айрилганман қанча дўстимдан
Уруш эди, уст-бош юпун.
Кийинтирди уруш ўзгача:
Қизлар юрар қўпол этикда.
Урганишиб қўпол сўзгача,
Бизни кутмас эди эшикда.
Урмон кесиб эркаклар билан
То белгача кўмилиб қорга,
Муҳаббатин тўкмоққа дилдан
Эр тополмас эди икрорга,
Эрлар ўзи ким... чолу бола...
Қаттиқ меҳнат қиларди аёл.
Қоп-қора унни елкага ола
Отишарди енгил, бемалол.
Қўпол эди кўрининшдан рост,
Овозлар ҳам дўриллар эди.
Қовоқларин осилган бироз,
Лаблари тез бурилар эди.
Ҳозир қизлар шўх бўлса бироз
Ҳукм этманг, ўтказманг алам,
Оналарин севгилари ҳам.
Утиб келган уларга мерос
САЙЁР таржимаси.

АРМОН ЭТГУМ

Бўса олиб гул юзингдан эй жонон,
Ҳажр пардасин бошингдан нисён этгум.
Айлаб ҳусннинг боғини сайр-томошо,
Дилжў қадру кўркингни армон этгум.
Қадам қўйиб севимли ёр уйингга,
Изларингни ўпиб, дилга жой этгум.
Кумуш таннинг сувда сузганда дилбар,
Ўзни ариқ бўйига посбон этгум.
Шаҳло кўзинг дилни тортар ҳармаҳал,
Қўш ингоҳингни офатижон этгум.
Орзум эрур лаълу лабинг бўсаси,
Сочинг мушкин бағрима бўстон этгум.
Ёзиб сенга дилдан байту ғазаллар,
Маъни дурин васфингга эҳсон этгум.
Мен муҳаббат ихтиёрин жиловин,
Умид томон буриб, сўнг жавлон этгум.
Ишқ карвонин элтма олисга сорбон,
Югуришдан жочима зиён этгум.
Ширинсуҳан ойруҳсорим ўйидан
Эй, Собиро мен дилим ошён этгум.

СОБИР.



ЁЗ СОЗ ЎТМОҚДА

Ёз мавсуми болалар учун энг қувончли давр. Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози болалар боғчасида кичкинтойлар ўз севимли фасларини қувнаб-яшнаб ўтказишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Ўғил-қизлар меҳрибон тарбиячи Э. Эгамқулова (юқорида) билан турли қизиқарли ўйинларда қатнашадилар.

Тошкент ҳайвонот боғида ҳам алоҳида жонланиш сезилмоқда. Айниқса Марказий Африкадан олиб келинган «Алмаз» лақабли бегемотнинг жони кириб қолди. У ҳар куни сувдан чиқмай бу ерга келаётган томошабинларга қизиқарли ўйинлар кўрсатмоқда (пастда).

Х. Аввалов ва И. Душкин фотолари.
(ЎзТАГ).

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ БЎСТОНЛИКДА

Яқинда Бўстонлик районида Ўзбекистон Ленин Комсомоли мукофотининг лауреати республика қўғирчоқ театрининг гастроли бўлиб ўтди. Театр коллективи район маданият уйлари ва пионер лагерларида бўлиб, қатор томошалар кўрсатдилар.

Пойтахт санъаткорлари гастроллари Ғазалкент шаҳар маданият уйида қўйилган «Гўзал Василиса» спектакли билан якунланди. Бу спектакль «Мир», «Гулистон», «Дорожник», «Искра» ва бошқа пионер лагерларида ҳам намойиш қилиниб, ўқувчилар олқишига сазовар бўлган эди. Театр актёрларидан Н. Данилова, В. Колядин, С. Фадеева, Н. Левинзонлар ижро этган роллар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

О. ИСМОНОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Қўшиқ куйлаб, рақсга тушамиз. 10.45 — «Уқитувчи» (бадиий фильм). 12.25 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — Кинопрограмма. 15.55 — «Ф. И. Тютчев». 16.40 — «Кешка ва унинг дўстлари ҳақида» ҳикоялар» (бадиий фильм. 3-серия). 18.00 — Югославиядаги Гуча шаҳри ҳақида ҳикоя. 18.10 — «Орлёнок». 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Расмларда куёш акси бор. 19.30 — Москва ва москвaликлар. 20.05—В Штоколов куйлайди. 20.45 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21.00 — Бизнинг биографиямиз — 1962 йил. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Артлото. 23.45 — «Олимпиада-80». 00.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун кўрсатув. 11.55 — Концерт. 12.35 — «1943 йил ёзи» (бадиий фильм). 13.45 — «Санъат ғунчалари». 18.30 — «Ешлик». 19.00 — Илмий-оммабоп программа. 19.30 — СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Оламга саёҳат. 21.00 — Ахборот. 21.20—Концерт. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. 22.45 — «Александр Невский» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05—Болалар учун фильм. 19.15 — «Нина» (бадиий фильм). 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. 21.20 — «Спорт! Спорт! Спорт!» (ҳужжатли фильмлар).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/VIII да Оловни ташлама, Прометей!

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастроллари—«Сувда цирк» аттракциони.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ. «ЧАЙКА» «ҚОЗОҒИСТОН», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» — Синдоднинг олтин саёҳати, Олтин безак (кундуз ва кечқурун).

Балоғатга етмаган ёшлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (нуфт соатларда), «ВОСТОК», ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Стажёр—С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Синдоднинг олтин саёҳати; Олтин безак — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.00).

Оилавий мелодрама — «ХИВА» (21.00).

АВТОБУССИЗ БЕКАТЛАР

Меҳнаткашларнинг йўл қулайликларини ҳисобга олиб бунёд этилаётган метрополитеннинг жадал суръатли нур устига аъло нур бўлди. Табиийки, бу улкан иншоот қурилиши баъзи кўчалардаги транспорт қатнови ва маршрутларни ўзгартирилишига сабаб бўлди. Аммо, баъзан метро қурилиши тугалланган участкаларда ҳам транспорт қатнови камчиликларни ҳисобга олиб бунёд этилаётган метрополитеннинг жадал суръатли нур устига аъло нур бўлди. Табиийки, бу улкан иншоот қурилиши баъзи кўчалардаги транспорт қатнови ва маршрутларни ўзгартирилишига сабаб бўлди. Аммо, баъзан метро қурилиши тугалланган участкаларда ҳам транспорт қатнови камчиликларидан ҳоли эмас.

1975 йилнинг бошларигача 13 ва 48-автобуслар «9 январь» кўчасидан Бешёғоч, яъни Беруний майдонигача келиб, Богдан Хмельницкий кўчаси орқали Байнал-Минал кўчасига бурилар, 1- ва 2-цемент кўприк бекатларида тўхтаб ўтар эди. Бу маршрутлар Комсомол паркини ҳамда Давлат архивни, «Ўзбекфильм», «Ўзбеккинохроника» студияларини, пластмасса заводи ва сут-қаймоқ комбинатларини шаҳар маркази билан боғлар эди.

Чилонзор ва Ленин майдонларини бирлаштириш мақсадида. Оқтепа анҳори устидан кўприкли метро йўли қурилди. Шу сабабли икки йилга яқин Беруний майдони, Байнал-Минал кўчалари транспорт қатновидан четда қолиб кетди. Юқорида кўрсатилган идора ва корхоналарнинг ишчи-хизматчилари вақтинчалик шўда қатнаб туришди. Бу албатта улкан бунёдкорлик йўлида кичик нарса. Аҳоли буни ўз вақтида тўғри тушунди.

Ниҳоят, 1977 йили апрель ойида кўприк йўли битиб, бу кўчалардан 7 ва 12-троллейбуслар қатнай бошлади. Ана шундагина яшовчилар орасида баъзи норозиликлар тугила бошлади. Сабаби, худди шу маршрут бўйича юрган 13, 48 ва 131-автобуслар ўз йўлига қайтарилмади. Трактор йиғув заводини Чилонзор билан боғловчи 14-маршрутли автобус эса «Экспресс» қилиниб, Хадра, Беруний майдони ва Чилонзор саздо марказидагина тўхтаб ўтадиган бўлди. Юқоридаги идора ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ишчи-хизматчилари ва маҳаллий аҳоли «Халқлар дўстлиги» кўчасидан пиёда қатнашга мажбур бўлишди.

Ёз фасли келиши билан «Комсомол» истироҳат паркн томон дам олувчилар оқими яна ҳам ортди. Шу муносабат билан юқоридаги автобуслар «Халқлар дўстлиги», «9-январь», Байнал Минал кўчалари билан юрса, 14- маршрут автобус «оддийлаштирилиб», ҳамма бекатларда тўхтаб ўтса қўпгилдагидек бўлар эди. Шаҳар ижроия комитети ва транспорт бошқармаси тақлифимизни муҳокама қилиб кўрсалар дуруст бўлар эди.

Э. ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон кино санъати музейи директори.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 13365 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1682.